

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 3-iyul, chorshanba № 50 (15688)



Navqiron avlod so'zi

## Ватанни рози қилиш бахти

Мендан, дунёдаги энг бахтиёр инсон ким, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан: «Фарзандлари истеъдодли, билимдон ва шу истеъдод ва билим орқасидан ютуқларга эришаётган ота-оналар!», деб жавоб берган бўлардим.

Жондан азиз жигаргўшаларининг илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда қўлга кири-таётган ютуқларини кўриш ота-оналарга қанчал-лик шодлик ва фахр туйғуларини тортиқ этса, менимча, жонажон Ватан ҳам ўзининг фарзанд-ларининг муваффақиятларидан кам қувонмай-ди. Тўғри, бу қувончни кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб бўлмайди. Бироқ юртнинг рози-лигини, қувончини юракдан ҳис қилса бўлади, албатта. Бизга янада кўпроқ имкониятлар яра-тиб бераётган, илм олишимизга кенг йўл очиб бераётган юртнинг ўз фарзандлари — ёшлари-дан мамнун эканининг белгиси ҳам шу-да! О, ҳаётда ўз юртининг сендан розилиги, сендан мамнунлигидан ҳам ортиқ яна қандай саодат бор! Ватанни рози қилмоқ йўлида интилиш, ўқиш, изланиш, меҳнат қилишдан ҳам кўра ша-рафлироқ бурч бормикан яна?

Ҳар бир давлатнинг салоҳиятини фуқаролар, айниқса, ёшларнинг билим даражаси белгилай-ди. Мамлакатимиз бугунги кунда аҳолисининг умумий саводхонлик даражаси энг юқори мам-лакатлар сирасига киради. Бунинг асосий са-бабларидан бири юртимизда таълимга юксак эътибор қаратилаётгани десак, асло муболага бўлмайди. Таълим олиш ҳуқуқининг Конститу-циямизда кафолатлаб қўйилгани, юртимизда ўн икки йиллик бепул таълим мавжудлиги, қола-верса, биз, ёшларнинг чуқур билим олишимиз-га кўрсатилаётган рағбат ҳам таълим соҳасида-ги муваффақиятларнинг гарови бўлаётир. Ма-салан, мен ўзим шу йил тенгдошларимнинг кимё фани бўйича 47-Меңделеєв олимпиадасидаги ютуқларидан чексиз фахрландим. Пойтахтимиз-даги Турин политехника университети талаба-си Олимжон Тўйчиевнинг ўзбек тилида «гапи-ра» оладиган робот ихтиро қилганидан суюндим. Шу пайтгача биз спортчиларимизнинг зафарла-ридан кўпроқ қувонардик. Илм-фан, хусусан, аниқ фанлар йўналишида тенгдошларимиз эри-шаётган натижалар ҳам бизга ҳам қувонч, ҳам ҳавас туйғуларини бахш этмоқда. Мактаб, ака-демик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиёт-ган ҳар бир тенгдошимни, мен ҳам илм оламан, мен ҳам ихтирочи бўламан, дўстларим эриша-ётган ютуқларга нега мен эриша олмайман, дея ҳаракатланишга ундаяпти.

Шаҳсан ўзим илм соҳасида бутун дунё аҳли лол қоладиган марраларни забт этишни ди-лимга тугиб қўйганман. Юртимиз тинч, дуоғўй халқимиз бор экан, ўз олдимга қўйган мақсад-ларимга, албатта, етаман.

**Мадина МУРОДОВА,**  
Жиззах политехника институти қошидаги академик лицей ўқувчиси



Сардор Муллажонов фотокўллаки

## УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ – БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Юртимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, республикамиз Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллашти-риш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улгайиши учун барча шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки даврдан Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш, ху-сусан, шахс ҳуқуқининг ажралмас таркибий қис-ми саналган болалар ҳуқуқини таъминлаш дав-лат сиёсати даражасида-ги устувор вазифалардан бири сифатида белги-

ланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда баркамол авлодни тар-биялаш соҳасида улкан муваффақиятларга эри-шилмоқда ва бу дунё ҳам-жамияти томонидан му-носиб баҳоланмоқда.

Мамлакатимиз раҳба-ри таъкидлаганидек, «Ниманики ўз олдимиз-га мақсад қилиб қўймай-лик, қандай буюк ишлар-

ни амалга оширишга ин-тилмайлик, барча олий-жаноб ҳаракатларимиз-нинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандлари-мизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч ким-дан кам бўлмайдиган ав-лодни тарбиялаш орзу-си мужассамдир».

Ўз-ўзидан аёнки, эски тузум даврида узок йиллар давомида вужуд-га келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ эт-масдан туриб, бу мақ-садга эришиб бўлмасди. Айнан шундай эзгу мақ-садни рўёбга чиқариш

учун давлатимизда ёш-ларимизнинг истиқболи-ни таъминлайдиган бар-ча ташкилий-ҳуқуқий чо-ралар амалга оширилди, муҳим қонунлар қабул қилинди, давлат дастур-лари ҳаётга татбиқ этилди.

Жумладан, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларининг қонуний асо-сини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республика-си Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат то-монидан кафолатлани-ши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўли-ши белгилаб қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Нукус Олимпия захиралари коллежида «Камолот» шахмат тахтаси» турнирининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Турнирнинг куйи босқичларида кинг нафар хаваскор шахматчи иштирок этди. Республика босқичида эса, шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган 144 нафар ёш шахматчи дона сурди.**

Беллашувлар сўнггида тўққиз нафар шахматчи Сурхондарё вилоятида ўтказилган «Камолот» шахмат тахтаси» VI аънавий республика турнирининг финал босқичига йўлланма олди. Уларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Камолот» ЁИХ томонидан диплом ва совғалар топширилди.

\*\*\*

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, «Камалак» болалар ташкилоти, «Етакчи» ёшлар маркази филиали Эллиқалъа, Беруний, Амударё туманлари сардорлар кенгаши билан биргаликда Эллиқалъа туманидаги «Орол болалари» ёзги болалар дам олиш оромгоҳида «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида «Болаларга беринг дунёни!» шиори остида «Камолот» ва «Камалак» кунларини ўтказди. Унда «Камолот»га саёҳат», «Камалак» ва мен», «Менинг ҳуқуқларим — менинг ҳимоячим», «Сардорлик қобилияти», «Оммавий маданият» мавзуларида семинар-тренинглари, «Бу менинг фикрим» мавзуида мунозара, «Спорт — тинчлик белгиси» шиори остида спорт мусобақалари, «Дунё болалари тинчликни севади!» мавзуида расмлар танлови, «Мустақил юрт фарзандиман!» мавзуида мақолалар танлови, «Мен рақсга тушганда...» рақс танлови, «Оромгоҳ ҳазиллари» қувноқлар ва зукколар танлови, «Моданинг сўнгги кўриниши» модалар танлови, «Билимдон» интеллектуал ўйини, «Оромгоҳ-FM» радиолойиҳаси каби кўплаб тадбирлар ўтказилди.

БҲОРО ВИЛОЯТИ

**Ғиждувон тумани ҳокимлигида «Тадбиркорлик учун янгиликлар» мавзуида кўргазма ҳамда очиқ мулоқот ташкил этилди.**

Унда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти давомида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш бўйича соҳа мутахассислари билан очиқ мулоқот олиб борилди. Тадбирда ёш тадбиркорлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, тўсқинлик қилаётган муаммоларга ечим топилди.

# УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми, боши 1-бетда)

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борасида 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлари тарихий қадам бўлди. Мазкур қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, хусусан, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг мажбурийлиги белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг узоқ ва давомли мақсадларни кўзда тутадиган концептуал ғоялари асосида ишлаб чиқилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлаш жараёнида, 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган, мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини юқори малакали кадрлар билан таъминлашнинг узлуксиз таълим тизими яратилди. Шу асосда юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли республикада 1549 та замонавий таълим муассасаси, шундан 1406 та касб-хунар коллежи ва 143 та академик лицей барпо этилди. Мазкур таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Жумладан, жиҳозланган компьютер синфлари, кутубхоналар, спорт заллари, секциялар, зарур бўлган инвентар билан таъминланган ётоқхоналар, ошоналар ўқувчилар ихтиёрига топширилган. Яратилган бундай шароитларнинг барчаси ўқувчиларнинг танланган йўналиш бўйича бир ёки бир нечта замонавий мутахассислик олишга қаратилган касбга оид чуқур билим олишларига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, айнан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг кўпчилик қисми республикамизда фаолият кўрсатаётган замонавий илғор технологияларга асосланган корхоналарда меҳнат қилиб, жаҳон бозорида рақобатбардош ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг фаол иштирокчиларига айландилар. Масалан, «GM-Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаётган 7956 нафар ишчи-хизматчининг 2877 нафарини ёки 36,1 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил қилади. Ёки «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимидаги корхоналарда 15 минг нафардан ортиқ, «Ўзбекнефтгаз» компанияси тизимидаги корхоналарда 2 минг нафардан ортиқ касб-хунар коллежлари битирувчилари хизмат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шунингдек, умумтаълим тизимидаги ислоҳотлар, таълимнинг замонавий илғор услубларининг кенг жорий қилиниши, таълим-тарбияга бўлган эътиборнинг тубдан яхшиланиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси ва дунёқарashi кенгайиб, улар халқаро фан олимпиадалари, интеллектуал беллашувлар, кўриктановларда қўлга қиритаётган ютуқлари билан Ўзбекистон довуғини дунёга таратмоқдалар.

Охирги икки йил давомида 33 нафар ўғил-қизларимиз жаҳон миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва мусобақаларда ўзининг чуқур билими, интеллектуал салоҳияти, теран фикрлари ва ўткир тафаккури билан ғолиблар шохсупасидан ўрин эгаллаганлиги мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон қалбига чуқур ғурур ва ифтихор туйғусини бахш этади.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш, оммавий спортни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси таъсис этилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис кишлоқларимизда ҳам спорт анжонлари билан жиҳозланган замонавий спорт мажмуалари, муҳташам спорт саройлари, стади-

онлар, жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаблар барпо этилди. Ўқувчи ва талабаларнинг уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» республика мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Энг муҳими, миқёси ва кўламига кўра бениҳоя улкан бўлган бу ишларнинг барчаси ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Кейинги икки йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа йirik халқаро беллашувларда 490 нафар ёш спортчимиз совринли ўринларни эгаллаган бўлса, уларнинг 132 нафари барча рақибларини доғда қолдириб, шохсупаниннг энг юқори поғонасига кўтарилди ва Ўзбекистон мадҳиясини дунё майдонларида баланд янграйтиш бахтига муяссар бўлди.

Ўзлуксиз таълим тизимининг яратилиши ва таълим сифатининг тубдан яхшиланиши вояга етмаганларнинг билим олишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди, бу эса ўз навбатида уларнинг бандлигини таъминлаб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни кескин қисқартиришга эришишга имкон берди. Хусусан, 2012 йилда 2000 йилга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 30,5 фоизга камайган.

Болалар, жумладан, ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг камайиши қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга, вояга етмаганларга нисбатан етарли назорат бўлмагани оқибатида уларнинг ўқув муассасаларига бормаслиги ҳолатлари мавжудлиги ташвишга солиши табиий. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида 5 минг нафардан ортиқ ўқувчилар бирон-бир узрли сабабсиз сурункали равишда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга келмаган. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва прокуратура органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий чоралар натижасида улардан аксарият қисми таълим муассасаларига қайтарилди.

Ўтказилган назорат тадбирларида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари масъул ходимлари томонидан машғулотларга сабабсиз келмаёт-

ган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, ҳисобини юритиш ва таълимга жалб қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби директори Е.Заирова ва директор ўринбосари М.Ражапова ўзаро жиноий тил бириктириб, 2009 йилда Белгия давлатига кетган 5-синф ўқувчиси Д.Боймаматовани тўрт йил давомида дарсларга қатнашганлиги ва билими баҳоланганлиги ҳақида журналга ёзувлар киритиб, синфдан синфга ўтказиб келганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Давлат томонидан болаларимизнинг келажagini ўйлаб, қанчадан-қанча сарф-харажат эвазига 12 йиллик бепул ўқишни ташкил қилиб, замонавий технологияларга асосланган, жаҳон илғор таълим стандартларига мос, билим олиш учун шароитлар яратиб берилса-ю, бола коллежга бормаса, қани бу ерда тартиб-интизом, қани масъулият?! Нима учун жойларда ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, профилактика инспекторлари, жамоатчилик, қолаверса, бола тарбияси учун бевосита жавобгар бўлган оналар ва бошқа масъул шахслар бепарволарча қўл қовуштириб ўтирибди? Бундай бепарволик жиноят эмасми?

Ваҳоланки, мамлакатимиз қонунчилигида 12 йиллик таълим умуммажбурий эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, қонуннинг мазкур талаби ижросини қатъий таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир. Афсуски, баъзи ота-оналар ва мансабдорлар ўзларига юклатилган вазифаларга нисбатан бундай масъулиятсизлик учун жавобгарликнинг мавжудлигини унутиб қўйганлар. Бу соҳада прокурор назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ўтган йилда ва жорий йилнинг 5 ойида ўқувчи ва талабаларнинг ўқув муассасаларига келиб-кейтишини таъминлаш учун масъул бўлса-да, мансаб вазифаларини лозим даражада бажармаган 2 минг нафар таълим соҳаси ходими интизомий жавобгарликка тортилган.

(Давоми 3-бетда)

БТ фаолияти:

## Муаммо ва ечим

Термиз давлат университетига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, бошланғич ташкилотлар етакчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинимаси ходимлари, шунингдек, журналистлар қатнашди.

Тадбирда Ҳаракатнинг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари учун яратиб берилган шароитлар, белгиланган йўналишларда олиб борилаётган ишлар, БТ етакчисининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий саводхонлиги, ташаббускорлиги ҳақида гапирилди. Ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаммо ва тақлифларини ўрганиш, уларга кўмаклашиш борасида бошланғич ташкилотларнинг иштироки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва тарғибот ишларини амалга оширишда таълим муассасалари ва нодавлат ношижорат ташкилотлар ҳамда

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БТ етакчилари кичик гуруҳларга бўлиниб, Ҳаракатнинг ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларни келтириб чиқарган сабаблар ҳамда ечимлар юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишди. Муаммолар ечими юзасидан зарур вазифалар белгилаб олинди.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинимаси катта мутахассиси

Hamkorlik

# УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ – БАРКАМОЛ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми,  
боши 1-, 2-бетларда)

Шу ҳолатларни инобатга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини кейинги ўқиш босқичларига жалб этиш борасидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда жорий йилда мактабни битираётган 530 мингдан ортиқ ўқувчиларни касб-хунаро коллежлари ва лицейларга жойлаштиришнинг тўлиқ қамраб олиш мақсадида жойлардаги прокурорларга маҳаллий ҳокимликлар, таълим муассасалари ва бошқа мутаассадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида топшириқ юборилди. Ушбу вазифа ижросини таъминлашнинг барча чоралари кўрилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқувчи ва талабаларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини таъминлаш фақатгина ўқув муассасаси раҳбарлари ва ўқитувчилари зиммасидаги вазифа эмас,

балки бу жараён кўп жиҳатдан ота-оналарга, уларнинг фарзанди таълим-тарбияси билан нечоғлик шугулланишларига бевосита боғлиқдир. Ваҳоланки, бола тарбияси ҳам қонуний асосларда, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан ота-оналарнинг фуқаролик ва инсоний бурчидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фарзандларининг тарбияси ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан шу асослар билан 2012 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг нафар ота-она жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари 250 нафар ота-онанинг муомала лаёқати чекланган ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган.

Бу борада бир мисол келтириш ўринлидир. Чирчиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Е.Шарипова спиртли ичимлик истеъмол қилиб, тўққиз яшар қизи Л.Шариповани мунтазам равишда уриб, унинг мактабга ва кўчага чиқишига тўсқинлик қилган ва узоқ муддат давомида хонага қамаб, устидан қулфлаб қўйган. Оқибатда қиз бундай шафқатсизликка чида-

масдан 3-қаватда жойлашган хонадоннинг балконидан ерга сакраб, оғир тан жароҳатлари олган. Врачларнинг ёрдами билан қизнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Онасига нисбатан эса жиноят иши кўзга тилиб, жавобгарликка тортилди.

Ўқувчиларнинг машғулотлардаги давомати назоратсиз қолиши, уларнинг уэрсиз сабаблар билан дарсга қатнашмасликлари, ҳатто узоқ муддат давомида таълим муассасаларига умуман келмасликлари фарзандларимизнинг жиноят йўлига кириб кетишдек мудҳиш, нохуш оқибатларга олиб келмоқда.

Масалан, Булоқбоши туманидаги иқтисодиёт ва енгил sanoat касб-хунаро коллежи ўқувчиси Н.Тоштемиров умумтаълим мактаби ўқувчилари Ш.Кудратиллаев ва Ш.Исоқов билан жиноий тил бириктириб, савдо дўконидан 1,2 миллион сўмлик уяли телефон аппаратлари ва эҳтиёт қисмларини ўғирлаган.

Содир этилган жиноятлари учун ушбу гуруҳ аъзолари жиноий жавобгарликка тортилди, албатта. Лекин, афсус билан таъкидлаш лозимки, шундай номақбул гуруҳларга кириб қолиб, турли хил жиноятлар, шу жумладан, оғир жиноятларга қўл ураётган вояга етмаган болалар борлиги уларнинг таълим-тарбиясидаги нуқсонлардан далолат беради. Бу ҳақда ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, таълим муассасаларининг мансабдор шахслари, қўйинги, барчамиз чуқур ўйлаб, тегишли хулоса чиқаришимиз ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўришимиз керак.

Шу ўринда яна бир долзарб масалага алоҳида тўхталиш лозим. Касб-хунаро коллежларини тамомлаган фарзандларимизнинг мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши уларнинг келажак ҳаётда ўз ўрнини эгаллашларида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис касб-хунаро коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, тегишли мутахассисликлар бўйича янги ишчи ўринлари ташкил қилинмоқда.

Аммо назорат тадбирларида аниқланишича, касб-хунаро коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмагани,

бу жараёнда ҳисоботларга қўшиб ёзиш, тугатилган ёки фаолият юритмаётган корхоналар билан сохта шартномалар тузиш, битирувчилар ҳали ишга чиқиб улгурмасидан шартномаларни бекор қилиш каби ҳолатлар мавжуд. Бундай қонунбузишларга йўл қўйган мансабдор шахслардан 2300 нафардан ортиги интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 74 та ҳолат бўйича эса жиноят иши кўзга тилди.

Ёшларни узлуксиз мажбурий таълим билан қамраб олинишига салбий таъсир ўтказадиган муаммоли ҳолатлардан яна бири ўқувчи қизларни, шу жумладан, никоҳ ёшига тўлмаганларнинг эрга бериб юборилишидир. Олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, 2012-2013 ўқув йилида лицей ва коллежларда таълим олаётган 2114 нафар қиз ота-оналари томонидан эрга бериб юборилган, оқибатда улардан 944 таси ўқув машғулотларига умуман қатнашмай қўйган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳга киришган шахсларнинг, шунингдек, бунга йўл қўйган ота-оналар, таълим, диний муассаса ходимларининг жавобгарлик масаласи ҳал қилинмоқда. Лекин кўрилган чоралар ўзининг етарли самарасини бермаётганлиги сабабли, бундай салбий иллатга нисбатан қатъиятлик ва талабчанликни кучайтиришимиз керак. Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик, яъни никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга киришиш, уни эрга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун жавобгарликни белгиловчи нормалар Оила кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига киритилди. Бу ўзгаришлар ҳам шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонунлар қабул қилиняпти. Лекин бу қонунлар ҳақида жойларда барча фуқароларимиз тўлиқ билмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар ва тегишли жамоат ташкилотлари жойларда, халқ орасида қонунларни, уларга киритилаётган қўшимча ва

ўзгаришларни тарғиб қилиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида айнан шу мавзуда тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириш ишларини доимий равишда олиб боришлари керак. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ошиши бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳар томонлама интеллектуал ва жисмонан ривожланган, юксак ақл-заковатли, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор вазифанинг нақадар муҳим эканлигини ҳар биримиз чуқур тушунишимиз, барча саъй-ҳаракатларимизни бундай муҳим соҳадаги қонунчилик талаблари ижросини тўлиқ таъминлашга, шунингдек, мансаб суиистеъмолчилиги, порахўрлик, фирибгарлик ва бошқа жиноий фаолиятни истисно қиладиган соғлом муҳит яратишга йўналтиришимиз зарур.

Ёш авлод тарбиясига ҳар доимо энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди» — деган фикрлари халқимизга хос юксак инсоний фазилатларнинг эътирофи бўлиши билан бирга, барчамизни шу борада янада фаол иш олиб боришга даъват этади.

Дарҳақиқат, халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаёт-мамат масаласи сифатида эътибор қаратишга чорлаши шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун барча давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажакига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

Истагимиз шуки, бу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлансин.

**Рашидҷон ҚОДИРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош прокурори**

## Hududlardan mujdalar

ҚАШҚАДАРҲ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ва «Иқтидорли ёшлар» клуби аъзолари Китоб туманидаги «Алоқачи», «Кимёгар», «Нурафшон», «Ёш алангачи», Шаҳрисабз туманидаги «Беруний», «Гулнора», «Зебинисо» соғломлаштириш оромгоҳларида «Ёшни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ва «Камалак» кунлари»ни ташкил этишди.**

Тадбирда болаларнинг мазмунли дам олишлари учун «Сиз «Камолот» ва «Камалак»ни биласизми?», «Кувноқ-кувноқ футбол», «Кувноқ футбол», «Иқтидорлиларни излаймиз», «Тошқотди», «Энг яхши қўшиқ», «Энг яхши рақс», «Энг яхши шеър» танлов, викторина, спорт мусобақалари ҳамда маданий дастурлар намойиш этилди. Ўтказилган тадбирларда фаол қатнашган болаларга эсдалик совғалар улашилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» шахмат тахтаси» VI анъанавий турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Турнирда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 190 нафар ҳаваскор ўғил-қиз иқтидорини синовдан ўтказди. Якуний натижаларга кўра, 6 — 12 ёшлилар ўртасида марғилонлик Алишер Эминов, бешариқлик Наврўза Абдуллаева, 13 — 16 ёшлилар ўртасида Марғилон шаҳридан Иброҳим Эминов ва Робия Мамажоновна, 16 — 19 ёшлилар ўртасида Ёзёвон туманидан Исоқжон Маликов, Марғилон шаҳридан Арофатой Шамшиева биринчи ўринни эгаллади.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

**Наманган шаҳридаги Захириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

Фестиваль доирасида «Спорт — соғлиқ гарови» мавзуида спорт мусобақалари, «Биз соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» мавзуида расмлар танлови, «Саломатлик бекати», «Алкоголь ва тамаки маҳсулоти истеъмолсиз соғлом ҳаёт сари!», «ОИТСсиз соғлом келажак сари!» каби акциялар ташкил этилди. Ўтказилган лойиҳаларда ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этиш билан бирга, соҳа мутахассислари томонидан зарур маслаҳатлар олишди. Ёшларга махсус буклетлар тарқатилди. Якуний концерт дастурида Наманган «Ёшлар маркази»даги тўғарақлар аъзолари ҳамда ёш хонандалар ўзларининг куй-қўшиқлари билан тадбир иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

## «Камолот» маҳаллаларда

Harakat ko'zgusi

**«Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан Самарқанд шаҳрининг «Ватанпарвар» маҳалласида «Ёшни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида маданий тадбир ташкил этилди.**

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш мустақилликнинг моҳияти ва тарихий аҳамиятини ёшларга тушунтириш, бу давр мамлакатимиз учун барча соҳаларда ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб

ўрин эгаллаш даври бўлганини етказиш мақсадида ташкил этилган «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги бу тадбирда икки юздан ортиқ ёшлар ва фуқаролар иштирок этди. «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши фаоллари томонидан интеллектуал ўйин, мушоира ташкил этилди. Самарқандлик хушовоз хонандалар Ватанимиз, истиқлолни мадҳ этувчи дилрабо қўшиқларидан ижро этишди.

— Мактабга аъзо бўлганимдан сўнг

бундай тадбирларда биринчи бор иштирок этишим, — дейди «Сардорлар мактаби» аъзоси Интизор Маҳмудова. — Тенгдошларим билан фикр алмашиш, ўйинлар ўйнаш, эзгу мақсадлар йўлида ҳамжихатлик менга катта завқ бағишлади.

Тадбир якунида иқтидорини намойён этган ёшлар ва болалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан тақдирланди.

**Жасур РАҲМОНОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**


**Abituriyentga ko'mak**

**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти меъморчилик ва қурилиш соҳаларида юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган республика-миздаги йирик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Институтда тўртта: муҳандислик коммуникациялари қурилиши, қурилишни бошқариш, архитектура ҳамда қурилиш факультетлари мавжуд.**

2013-2014 ўқув йили учун белгиланган қабул квотаси бўйича Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти бакалаврият босқичига 1005 та ўрин (шундан 395 таси давлат гранти, 610 таси тўлов-контракт асосида), магистратура босқичига 76 та ўрин (шундан 27 таси давлат гранти, 49 таси тўлов-контракт асосида) ажратилган.

Бакалавриятнинг қуйидаги таълим йўналишлари бўйича абитуриентлар ўқишга қабул қилинмоқда: касб таълими (йўналишлар бўйича); бино ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи; муҳандислик графикаси ва тасвирий санъат; дизайн (турлар бўйича); менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича); геодезия, картография ва кадастр (тармоқлар бўйича); архитектура (турлари бўйича); шаҳар қурилиши ва хўжалиги; қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш; автомобиль йўллари ва аэродромлар; кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш; қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш; хизматлар соҳаси (турлари ва хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича).

Шунингдек, бу йил институтга магистратуранинг 12 та мутахассислиги бўйича қабул амалга ошириляпти.

Дизайн, ландшафт архитектура-раси, архитектура, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштириш (режалаштириш)ни ташкил этиш ҳамда қишлоқ қурилишини лойиҳалаш таълим йўналишларига хужжат топширган абитуриентлар математика, она тили ва адабиёт фанларидан тест топшириш билан бирга, ижодий имтиҳондан ўтадилар. Касб таълими (амалий санъат) таълим йўналишида ҳам ижодий имтиҳон мавжуд. Бу йўналишда тест синовлари она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанларидан ўтказилади. Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишида тест синовлари фанлар блокига математика, чет тили, она тили ва адабиёт, қолган барча таълим йўналишларида математика, физика, она тили ва адабиёт фанлари киритилган.

# Чемпионлар соғлом оилада камол топади

Фарзандининг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етиши, унинг бахту саодатини, фаровон келажагини кўриш ҳар бир ота-онанинг энг эзгу орзуси.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қилаётган Санжарбек ва Ҳафиза Синдоровлар ҳам ана шундай ота-оналардан. Жисмоний тарбия ва спортни бола тарбиясининг муҳим воситаси, деб биладиган ушбу оилада камол топаётган саккиз ёшли Жавоҳир ва олти ёшли Исломбек шахмат бўйича Осиё чемпионлари.

Яқинда Эронда шахмат бўйича 18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ака-ука Синдоровлар оилавий медаллари тўпламига яна учта олтин ва битта кумуш медаль кўшилди. Қитъамизнинг йигирмага яқин давлатидан 270 нафар шахматчи қатнашган чемпионатда Исломбек рапид ва блиц турнирларда ҳамда классик шахмат бўйича учта олтин медални қўлга киритган ягона спортчи бўлди. У мусобақада жами 21 партия ўйин ўтказиб, шунинг йигирматасида ғалаба қозонди ва ўзига хос рекорд ўрнатди. Дунёда ҳеч бир шахматчи 6 ёшида қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақада 20 партиядан ғалаба қозонишни урдамай олганини билган мутахассислар ўзбек ўғлонининг маҳоратига қўйил қолмоқда.

Жавоҳир Синдоров эса Эрондаги Осиё чемпионати доирасида блиц турнирда терма жамоамиз ҳисобига кумуш медаль келтирди.

— Фарзандларимнинг ғалабалари, аввало, истиқлолимиз шарофати, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни баркамол этиб тарбиялашга қаратилган юксак эътибор ва мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самараси, — дейди Ҳафизахон Синдорова. — Ўзбекистонимиз мустақил бўлмаганида спортчиларимиз халқаро майдонларда ўз истеъдоди ва салоҳиятини бугунгидек кенг ва тўла намоеън эта олмасди. Тинчлик ва хотиржамлик йўқ жойда ривожланиш ва ўсиш бўлмайди. Мен шахмат мусобақаларини кузатар эканман, ўғилларим ўз жамоадош дўстлари билан бирга давла-

тимиз байроғини баланд кўтариб, ўзбек миллати дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлай олаётганидан қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлади, беихтиёр кўзларимга қувонч ёшлари қалқийди. Ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон, деб биламан.

Дарҳақиқат, бугунги кунда спорт бутун жаҳонда ҳар қайси миллат, ҳар қайси халқни дунёга танитишнинг, унинг ўз салоҳиятини намоеън этиши, гурур ва ифтихорини юксалтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Айниқса, шахмат каби инсондан юксак интеллектуал салоҳият, жисмоний ва маънавий етуқлик, ақл-заковатни талаб этадиган мураккаб спорт турида голиб чиқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ёш шахматчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари сони ва салмоғи ортиб бораётгани, аввало, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган не-не буюк зотларнинг муносиб авлоди экани ҳамда юртимизда азал-азалдан мавжуд маданий-маърифий муҳит, юксак маънавият ва тафаккур мактабининг мантикий ҳосиласи ва шунинг баробарида, истиқлол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг яққол самарасидир.

Спорт инсонда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларни енгиш руҳини тарбиялайди, ватанпарварлик, эл-юртга содиқлик, ифтихор туйғуларини шакллантиради. Спортда болаларнинг истеъдоди ва имкониятларини эрта аниқлаш уларни ке-

лажақда юксак ғалабалар сари йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, кичик ёшдан жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган ўғил-қизларгина соғлом, бақувват, иродали, энгилмас бўлиб вояга етади ва келажақда юқори чўққиларни забт этишга қодир бўлади.

Жавоҳир тўрт ярим ёшидан шахмат билан мунтазам шуғулланади. Болалигидан хотираси кучли бўлгани учун ота-онаси уни ўсмирлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Сироҳиддин Зайниддиновнинг шахмат мактабига етаклаб боради.

— Сўнгги уч йилда Жавоҳир билан етакчи гроссмейстерларнинг мингдан зиёд партиясини ўрганиб чиқдик, — дейди мазкур мактаб мураббияси — шахматчининг устози Сабоҳат Зайниддинова. — Жавоҳир юздан ортиқ мураккаб партияни ёдлаб олган. У ўзи дона сураётган учрашувларда ҳар бир юришни пухта ўйлаб, кейин амалга оширади.

Айни пайтда Сирғали туманидаги 301-умумтаълим мактабида таълим олаётган Жавоҳир шахматчи сифатида илк ғалабасини 2011 йили Тошкент шаҳар биринчилигида голиб чиқиш орқали қўлга киритди. Халқаро майдондаги дастлабки ғалабасига эса 2012 йили Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида эришди. 7 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида блиц турнирда олтин, классик шахмат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди. Бу йил Ўзбекистон чемпионатида ўн ёшгача ўғил болалар ўртасидаги мусобақада жаҳон ва Осиё чемпиони Нодирбек Абдусатторовни ортда қолдириб, илк бор Ўзбекистон чемпиони бўлди.

— Нодирбек Абдусатторовнинг ўйинларига ҳавас қилиб, тўнғич ўғлимнинг шахматчи бўлишини орзу қилардим, — дейди Санжарбек Синдоров. — Энди менинг фарзандларим ҳам халқаро майдонларда юртимиз шарафини химоя қилаётганидан жуда бахтиёрман. Жавоҳир укалари Исломбек ва Ҳумоюнга ҳақиқий намуна ва ўрнатки бўлмоқда.

Ўртанча ўғлим ҳам акасига эргашиб, шахматни танлади. Ҳозир иккаласи бирлашиб, 4 ёшли укасига доналарни тўғри териш ва юриш усулларини ўргатмоқда.

Сирғали туманидаги 305-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Исломбек гўдаклигидан ўзининг юксак спортчилик салоҳиятини кўрсата олди. У 2012 йили Ҳиндистонда ўтган қитъа биринчилигида 5 ёшгача шахматчилар ўртасида кумуш медални қўлга киритди. «Ақл гимнастикаси» сир-асрорини тобора пухта ва жуда тез ўзлаштираётган И.Синдоровнинг ўйин услуби бугун кўплаб мухлис мутахассислар эътиборида. Чунки у тез ва тўғри қарор қабул қилади, партиядан ҳар қандай мураккаб вазият юзага келса ҳам фақат ҳужумга зўр беради. Исломбекнинг ҳужумкор ўйин тактикаси Эрондаги Осиё чемпионатида голиб чиқишида муҳим аҳамият касб этди.

Жавоҳир ва Исломбек жаҳон чемпиони — ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжоновга ҳавас қилади. Улар келажақда кучли шахматчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани учун мусобақаларда ўтказган ҳар бир партиясини устози Сабоҳат Зайниддинова билан бирга чуқур таҳлил қилиб боради. Хато ва камчилик устида иш-лаш, ҳужум ва ҳимояда янги усулларни қўллашга алоҳида эътибор беради.

— Ака-ука Синдоровларнинг ютуқлари мактабимизда шахмат сир-асрорини ўрганаётган бошқа болаларга ҳам ўрнатки бўлаётди, — дейди шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати совриндори, мураббия Сабоҳат Зайниддинова. — Бу бизга машғулотлар жараёнини тўғри ташкиллаштириш, мусобақаларда муваффақиятга эришишда катта ёрдам беради.

Ҳа, фарзандини соғлом ва баркамол, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз раванқини ошириш йўлида ҳалол меҳнат қиладиган инсонлар этиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг бурчидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
ЎЗА мухбири**


**Milliy an'analар**

## Барҳаёт қадриятлар

2012-2013 ўқув йили бошида Навоий давлат педагогика институти қошидаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейида тарбиявий дарслар жараёнида халқимизнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарини ўқувчилар онгига сингдириш мақсадида янги дастур ишлаб чиқилган эди.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий шаҳар кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида ушбу дастур асосида «Миллий қадриятларга садоқат» мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбир шартига кўра, ҳар бир курс ўқувчилари-

дан ўн нафар иштирокчи миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга оид саволларга тез ва аниқ жавоб бериши талаб этилди. Жамоалар беллашувида билим ва зукколик асосий омилга айланди.

Жавоблардан маълум бўлдики, ўқувчи-ёшлар олиб борилган тарби-

явий соатлар орқали ажоддан авлодга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимиз ҳақида етарли билимга эга.

— Анъаналаримиз ҳаётимизга гўзаллик ва мазмун бағишлайди, — дейди тадбир ташкилотчиси, академик лицей психологи Малоҳат Ишхонова.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларимиз бор экан, унинг барҳаёт хусусиятлари халқ билан яшаб, ёш авлодини саодат сари чорлайверади.

**Гуллола НОРБОЕВА**

# Мутолаа маданияти

## ёхуд китоб ва китобхонлик ҳақида баъзи мулоҳазалар

### КУЗАТУВ

Одатда, дам олиш кунларида ёки ишдан қайтгач, мутолаа кайфиятида бўлсам китоб ўқийман. Бир куни китоб ўқиб ўтирсам, икки ярим яшар қизим нимадир деб онасига хархаша қилапти. «Ҳа, нима деяпти?», — десам, «Китоб сўраяпти, сизга ўхшаб ўқимокчи экан», — деб жавоб берди у. «Ундай бўлса, муқоваси қалинроқ китобдан битта олиб бер», — дедим. Шундай дедим-у, ўзим мутолаани қандай ўзлаштирганимни хотирлашга уриндим...

Эл қатори бизнинг уйда ҳам телевизор бўларди, ҳозир ҳам бор. Бироқ уйда мендан катталарнинг ҳаммаси — ота-онам, акам телевизор кўриш ўрнига китоб ўқишни маъқул кўрарди. Охири ёлғиз телевизор кўриш жонимга тегиб, мен ҳам улар сафига қўшилиб китобхон бўлганман. Аввалига китоб жавонини тинтиб, қизиқарли, саргузаштга бой, «ҳазми энгил» эртақ китобларни ўқий бошладим: «Уч оғайни ботирлар», «Ўзбек халқ эртақлари», «Жаҳон эртақлари», Жанни Родарининг «Рим эртақлари» китоби... Ўшанда учинчи синфда ўқирдим. Мактабда дарсдан ташқари вақтларда муаллимимиз эртақ айтирарди. Шокир деган синфдошим кўп эртақ биларди. Мутолаани бошлаганимдан кейин икки-уч ой ичида мактабдаги тенгқурларим ичида мендан ўтган эртақчи йўқ эди.

Юқори синфларга ўтганимда, оливайи гурунларнинг бирида акам Гоголь, Толстой асарлари ҳақида завқ-шавқ билан гапирди. Айниқса, «Тарас Бульба» (Николай Гоголь) билан «Ҳожимурод» (Лев Толстой) қиссалари тафсилотини эшитиб, бу икки ёзувчининг уйимизда бор ҳамма асарини ўқиб чиққанман. Кейинчалик мутолаага қаттиқ ружуъ қўйганимдан уйда мен ўқимаган бирорта бадиий китоб қолмади. Лицейга кирганимда ҳам, университетда ҳам китобхонликни давом эттирдим.

... Ҳаёлдан чалғиб, узала тушганча қалин муқовали китобни варақлаб, баланд овозда бир нималар деётган қизимга қарайман. Унинг икки кўзи китобда. У ҳарф танимайди! Лекин китобдаги ҳарфлар унга сирли, жуда қизиқ бўлиб туюлаётгани аниқ. Мактабга бориб, ўқишни ўрганса, албатта, китобхон бўлади. Демак, китобга меҳр оилада туғиларкан-да. Шу боис «Куш уясида кўрганини қилади», «Отадан кўрган чўп йўнар, онадан кўрган тўн бичар», деган экан-да оқил боларимиз.

Отам ҳам, амакиларим, аммаларим ҳам китобни яхши кўради. Онаминг айтишича, раҳматли бобом (отамнинг отаси) «Минг бир кеча»ни ўқиш учун кириллчани ўрганган экан.

Мутахассислар фикрича, болани китобхонликка ўргатишнинг энг мақбул йўли — ота-онанинг шахсий намунасида. Ота-она ўзи китоб ўқимаса-ю,

китобнинг фойдаси ҳақида соатлаб фарзандига ваъз ўқисин, бари беҳуда. Болалар зийрак бўлади. Зимдан ота-онасининг хатти-ҳаракатини кузатади. Уларга тақлид қилади.

### КИТОБ ИНСОНГА НИМА БЕРАДИ?

«Кўп китоб ўқима, миянг суялади», «Замондан ортда қоласан», «Ҳаёлпараст бўлиб қоласан»... Бу ибораларни ҳаётда кўп эшитамиз. Мен бир-икки марта ростдан ҳам шундаймикан, деб китоб ўқийдиган билан ўқимайдиганларнинг тушунчаси, фикрлашини ўзимча таҳлил қилиб кўрдим. Билишимча, китоб ўқимай мияси суюлганлар кўпроқ экан. Мен билган китоб ўқиб, сал «анақароқ» бўлган ягона одам Сервантеснинг Дон Кихоти бўлиб чиқди. Менимча, телбаликни мутолаа билан боғлашнинг ўзи носоғлом фикр ҳосиласи. Агар ростдан китоб ўқиш одамга талофат келтирганида, антик дунёдан то ҳозирга қадар ўтган не-не файласуфлар замондошлари ва авлодларини мутолаага ундамаган, уларга атай китоб ёзиб қолдирмаган бўларди.

Китоб ўқиш инсонга нима беради? Шу ҳақида жиддий бош қотирганмисиз? Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида моддий ва маънавий олам бамисоли парвоз қилаётган қушнинг қўш қанотига қиёсланади. Менимча, мутолаа инсон камолоти учун муҳим бўлган маънавиятни шакллантириб, бойитади. Савиясини оширади, дунёқарашини кенгайтириб, кишини катта, зиёли давраларга ошно этади.

Акам ёшлигидан ҳавас қилгулик китобхон. Ихтисослиги — иқтисодчи. Билганингиздек, у танлаган касб адабиётдан анча йироқ. Гапдан гап чиқиб, ўқиган китобларингиз сизга нима берди, деб сўраганимда, у жиддий қиёфада шундай деган: «Ишимиз тақозосига кўра, турли идораларга ҳужжат тайёрлаймиз. Айрим ҳамкасбларим икки гапни бирлаштира олмай, қийналгани ҳолда мен хат-хабар, маълумотларни тайёрлашда ортиқча машаққат сезмайман. Шу боис саводим туфайли ҳам ҳамкасбларим мени ҳурмат қилади. Бунинг учун ўқиган китобларимдан миннатдорман».

Тўғри, китоб бирданига кишининг чўнтагига миллионларни жойлаб қўймайди, бироқ кези келганда, миллионлар беролмайдиган улкан бойликни — саводни тақдим эта олади. Аслида, кўпларга насиб этмайдиган бундай неъматга эришиш ҳар қандай хазинадан авломасми?!

### МУТОЛАА ФИЛОЛОГЛАР УЧУН(МИ)?

Устозларимиздан бири, таҳририятга келадиган, саводли ёзилган мактубларни, хабарларни ўқиб, хурсанд бўламан, деган эди. У киши матнни тугатмаёқ муаллифи ким эканига қизиқар экан. Кейинги гал



ўша материал эгаси, албатта, эътиборга олинади. Баъзан мақолаларда маъно бир четда қолиб, гиж-гиж ҳарф хатоларини тузатишга вақт кетади. Муаллиф билан юзлашиб шу хатосини айтсанг, мен журналист ёки филологмасман-да, дейди. Китоб ўқиш, хато қилмаслик учун, албатта, тилчи бўлиш шартми, дея куйинганида, ростти ўйланиб қолганман.

Чиндан ҳам, бизда, бадиий китобни фақат филологлар ўқиши керак, деган нотўғри қараш бордек, назаримизда. Гўё бошқа касб эгасига мутолаа қўшимча юкдек. Ҳатто айрим ота-оналарнинг фарзандларига: «Сен ҳарбий бўласан, китоб ўқишни ўқитувчиларга чиқарган», деганига ҳам гувоҳ бўлганмиз.

Яхши эсимда бор: бундан кўп йиллар илгари телевидение-радиога ёки газета-журналларда китобхонлик ва театрда бориш масаласи кўтарилса, дарров ўтиш даврига, иқтисодий тақчилликка тақашарди. Ҳозир, минг шукрки, халқимизнинг турмуши кун сайин фаровонлашиб, одамлар болаларига ўзлари киймаган кийимларни, тушида кўрмаган ноутбук, мобил телефонларни олиб берапти. Бироқ китобга муносабат, назаримда, ҳамон ўтиш давридагидек бир маромда қотиб қолган. Турли муносабатлар билан фарзандларини кинотеатрларга, сайилгоҳларга, аквапаркларга олиб бораётган ота-оналарни кўрамиз. Қандини урсин бундай ота-оналар! Бироқ улар кўнгилочар жойларга бораётганда ёки қайтаётганда фарзандларини китоб дўконига ҳам олиб кириб, ёшига мос, қизиқарли бирорта китоб олиб беришса, қандай гўзал бўларди!

### «ЎЗ-ЎЗИГА ХИСОБ» ТАМОЙИЛИ

Кўпчилик йил охирида ўзини ўзи тафтиш қилади. Тадбиркорлар қанча фойда қилиб, қанча зиён кўрганини, журналист, ёзувчилар қандай

салмоқли нарсга ёзганини таҳлил қилади. Бошқа касб эгалари ҳам ўзидан келиб чиқиб йил охирида сарҳисоб қилади. Бироқ, бу йил нечта китоб ўқидим, деб озчилик ўзига ўзи ҳисоб берса керак.

Айрим тенгдошларимиздан китоб ўқимаслиги сабабини сўрасак, яхши, ўқийдиган китоб йўқ бизда, деб жавоб беради. Ростдан ҳам шундаймикан, деган уйда китоб дўконларига кирсак, забардаст асарлар кўплигини кўрамиз. Ўзимизнинг таниқли ёзувчи шоирлардан тортиб, Нобель мукофоти совриндорлари асарларининг таржималари китоб жавонларига зеб бериб, ўқувчисини кутиб ётибди.

Дунёнинг қолақ давлатлари ҳақида гап кетганда, албатта, аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳам тилга олинади. Чунки давлатни тараққиётдан орқага тортадиган омиллардан бири ҳам саводсизликдир. Саводсизликни ҳам иккига бўлиш мумкин: ихтиёрий саводсизлик ва бирор сабаб туфайли бесавод қолиш.

Ҳозир тушунтириш хатини дурустрок ёза олмаган айримларни кўрсам, ихтиёрий саводсиз атайман. Сабаби, уни бунга ҳеч ким мажбур қилган эмас. Юртимизда давлат бюджетидан таълим-тарбияга ажратиладиган маблағга айрим давлатларнинг ҳаваси келади. Тажрибали, малакали мураббийларимиз ҳам, пухта ишланган дарсликлар ҳам етарли юртимизда. Бироқ мутолаа етишмайди ўша саводи ҳаминқадарларга.

### КИТОБХОНЛАР ҲАЛИЯМ БОР!

Китоб дўконларидан бирини айланиб юрсам, катта ёшли бир аёл корзинкани тўлдириб китоб териб юрибди. Ҳам суюниб, ҳам ҳайрон бўлиб: «Опа, бу китобларнинг ҳаммасини уйга олаёйсизми?», — деб сўрадим. У бош чайқаб, Олмаликдаги мактаблардан бирида кутубхоначи

эканини, эски китоблар ўрнини янгилари билан тўлдиришга айтди. Мен ҳам бир-иккита китоб тавсия қилган эдим, кутубхоначи опага маъқул бўлмади. «Булар ўқувчиларимиз ёшига мос эмас», деди. «Нега, ахир, бу китоблар саккизинчи-тўққизинчи синф ўқувчилари дунёқарашига тўғри келади», деб эътироз билдирганим, опа: «Кутубхонамизга кўпроқ кичик синфлар ўқувчилари киради-да», деди. Нафасим ичимга тушиб кетди. Шундай бўлса-да, ич-ичимда паст кетгим келмади: ана, кичик синфлар ўқувчилари кираркан-ку, кутубхонадан чиққиси келмай китоб ўқиркан-ку!..

Ҳозир китобхонлик долзарб масала сифатида кўтарилаётгани рост. Негаки, кутубхоналарга ёшларнинг қатнови бироз камайди, китоб дўконларига кирадиганларнинг салмоғи ҳам нашриётларни қанотлантирмайди. Шундай бўлса-да, китобхонлик урфдан чиқиб кетгани йўқ. Тенгдошларимиз китобларнинг электрон шаклини нетбук, ноутбук, мобил телефонлар орқали мутолаа қилишяпти. Аслида, китобни дўкондан харид қилиб, ифорию тафтини, завқ-шавқини туйиб ўқиганга ҳеч нима етмайди! Шундай бўлса-да, китобхонлик батамом урфдан чиқиб кетмаганига ичида шукр қилади, киши.

Китобхонлик бир-икки мақолада тугайдиган мавзу эмас. Унинг камрови ниҳоятда кенг. Тадқиқ этган сари янги жиҳатлари «яроқ» этиб чиқаверади. Лекин мақолалар орқали мутолаага ундаш бошқа масала. Фарзандининг келгуси тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ота-она, жамият ҳаётига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир зиёли, менимча, ёшларни китобхонликка ундамоғи, ўргатоғи керак. Шунда кўзлаган мақсадимизга элтадиган йўлнинг таноби тортилиб, ишимиз анча осон кўчади.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Дилбандларимизни асрайлик!

Бугун болажон халқимиз келажак қайғусида болаларни терроризмдан, гиёҳвандлик ва одам савдосидан, жами хавф-хатардан асрамоқни ният қилган. Ва бу эзгу йўлда асрий анъаналаримиз, қадриятларимиздан чекинмай, буюк келажак сари дадил қадам ташламоқдамиз.

Бола кулса, дунё кулади. Гўдакнинг қайғусидан дунёнинг «бели букилади».

Хар бир инсон «болам» деб бу ёруғ жаҳонда яшайди, болали уй — бозор, боласиз уй — мазор, дея бежиз айтилмаган.

— Болаларга, аслида, нима керак?

— Меҳр, ота-она бағри, кўёш, мусаффо осмон, бебаҳо тинчлик!

— Уларни кимдан, нимадан ҳимоя қиламиз?

— Зулмдан, зулмкордан.

— Шафқатсизликдан, бағритошдан.

— Қабохатдан, қора ниятлардан.

— Дунёдаги барча ёмонлик ва ёмонлардан!

Мамлакатимизда бугун фарзандларимизнинг бахтли келажоги тўлиқ кафолатланган. Уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар муҳайё. Бироқ ҳали ҳам орамизда бола қалбига кулоқ солишни, унга меҳрини, саховатию меҳнатини бағишлашни хоҳламайдиган, ўз хузур-ҳаловатини ҳар нарсадан устун қўядиган айрим маънавияти қашшоқ кимсалар борки, уларга Яратгандан инсоф, бир кафтгина меҳр тилашдан ўзга истагимиз йўқ...

Болаларнинг беғубор қалбига кулоқ тутайлик, азизлар!

## ОЛИБСОТАРНИНГ БОЛАСИ

Бозор. Мева-чевалар растаси жуда гавжум.

— Опа, қулупнай неча пул?

— Тўрақўрғонники, янги узилди, тоза пишган...

— Менга уч кило тортинг...

— Менга беш кило...

Аёлнинг қулупнай тўла тоғораси ёнида, офтобда сўлғин ўтирган болакай кўзлари аланг-жалаң, тоғорага қўриқбигина қўл чўзади. Қўли-

қўлига тегмай савдо қилаётган аёл «ўғригина бола»сини кўриб, шанғиллайди:

— Ҳой, текинтомоқ, санларни боқаман, деб шу алфозда юрибман. Торт қўлингни, йўлда қулоғингга нималарни кўйдим? — Аёл болакайнинг ориққина қўлчасига зарб билан туширади. Боласи йиғи аралаш онасига зорланади:

— Хў-ўп, ақлли бола бўлман, о-озгина едим-ку!..

Нуроний отахон олибсотарга юзланади:

— Синглим, аввал болангизни тўйдирсангиз бўлмайди-ми? Мана, ол, болам! Пулини тўладим, онаңг уришмайди, салқинга ўтиб, еволгин, хўпми?

## КИЧКИНА ЖАБРДИЙДА

... Кун бўйи ёмғир ёғди. Шалаббо кунда даласига бормаганлар уч-тўрттадан уюшиб, шахмат, нарда, қарта ўйнаб кунни кеч қиларди.

— Зафар, сеникида нима бор? — деди дабдурустдан Фанишер киноя аралаш.

— Ҳамма нарса, — деди оғзини тўлдириб Зафар.

— «Беш юлдуз»дан ҳамми? — тиржайди Фанишер.

— Топилади... — деди-ю, Зафар дик этиб ташқарига чиқиб кетди.

— Ҳов, Шерзод!

— Лаббай, дада!

— Чоп, дўконга бориб сигарет, ароқ олиб келасан.

— Дада, ёмғир ёғпти-ку, — ҳадик билан деди Шерзод.

— Ҳой бола, мани ановилар олдида шарманда қилма. Ёмғирдан ўлмайсан...

Ўша куни дўконда харидорлар тирбанд, озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган эди. Зафарнинг навбати келганда сотувчи жеркиб берди:

— Ўт бу томонга, тирранча, аввал мана буларни ҳал қилишим керак...

Кеч кирди, ёмғирдан уст-боши жиққа ҳўл болакай дадаси айтган нарсаларни олиб уйга кирди.

— Ҳой, итнинг боласи, дўкон билан уйимиз орасига тоғ битибдими? — ўшқирди Зафар.

... Тонг отганда иситмаси тушиб, кўзини базўр очган тўққиз ёшли болакайнинг бошида онаси йиғлаб ўтирарди...

## ТОШБАҒИРЛИК

Зайнаб холанинг эндигина ўттиздан ошган қизи вафот этди. У икки йил оғир дарддан азоб чеқди, инсофсиз кўёви икки боласи билан Зайнаб холаникига келтириб қўйганига ҳам беш-олти йил бўлганди. Болаларнинг каттаси — Мадина ўн яшар, кичиги — Муроджон саккиз ёшда.

Қизининг ўлимидан сўнг Зайнаб холанинг қадди букилди, соғлиғи ҳам яхшимас. Ўғли Ҳайдарали аввалига жияларининг бошини силади, кейинчалик хотини Гулноранинг қилиқлари кўпайди. Икки етимчага ўғай кўзи билан қарайди, болалари дастурхонга ўтиришганда пешонаси тиришади, афти буришади.

Келиннинг иштончаларини ювган — Мадина, бели букилиб болани кўтариб юрган — Мадина, қул олган, сув ташиган — Мадина. Зайнаб хола тишини тишига кўяди, муросани ўйлайди...

Қаҳратон қишда, эрта тонгда Ҳайдарали ётган уйдан туриб бақиради:

— Ҳой, Мади, Мурод, турларинг, кўчанинг қорини куранглар, сув келтириб, молга қаранглар. — Болалар тоғаларидан кўрқиб қолишган: унинг жаҳли ёмон, бир ўшқирдимиз, бўйинчаси қилтириқ Муроджонни уйнинг бурчагига улуктириб юборади. Ўғлининг феълени билган она:

— Эҳ, етимлик қурсин, қизим ўрнига мен ўлсам бўлмасмиди, — дея нола қилади.

Ешига ярашмаган оғир ишлар туфайли болалик нигоҳларида маъюслик, хуркаклик, задалик, кўрқув ҳамда ваҳима акс этиб турган икки гўдакка ўқитувчи Мавлуда опанинг



Сардор Муллажонов олган сурат

юраги туздек ачишарди. Икки-уч марта кириб Ҳайдаралидан инсоф сўради, келинни савобга чақирди. Бари беҳуда кетди.

Кунларнинг бирида хаста Зайнаб хола кўрққан дақиқалар келди: куйди-пишдиларнинг аралашуви билан Мадина ва Муроджонни Меҳрибонлик уйига олиб кетишди.

Бемор буви набираларидан тирик айрилганига чидолмай, бир кечада жонсиз мурдага айланиб қолди...

## ФАҲМСИЗЛИК ҚУРБОНИ

Дарс кетаётганди. Синфхонага маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ҳовлиқиб кирди:

— Розия опа, сизда нечта чин етим, нечта чала етим бор? Рўйхатини тезда туманга етказишимиз керак экан.

Ўзидан гапи совуқ «маънавиятчи» дарсда ўтирган ўттиз жуфт беғубор кўзнинг, митти нигоҳларнинг таънали қарашларини сезмади, гўё шу хонага бомбанинг биргина парчаси тушган-у, портлаш содир

бўлгандай ёқимсиз сукунат чўқди. Фалокат ортидан отасидан айрилган Дониёр, онаси вафот этган Сарвиноз, ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлиб, тоғасининг қарамоғида қолган Муродилла...

Орадан ой ўтиб байрамларнинг бирида болаларга кийим-кечкалар тарқатилди.

— Менга керакмас!!! — Дониёрнинг ўқдек овози еру кўкни ларзага солди.

— Аъло ўқиганинг учун, ўғлим, — деди тўлиб-тўлиб йиғлаётган болакайнинг бошини силаб директор.

— Мен етим эмасман!

— Мен ҳам!!!

Дарс ўтилмоқда. Болажонларнинг диққати бир шеърга жамланган:

*Сен етим эмассан,  
Тинчлан, жигарим.  
Кўёшдай меҳрибон  
Ватанинг — онаңг,  
Заминдай вазмину  
Меҳнаткаш, мушфиқ  
Истаган нарсангни  
тайёрлагучи  
Халқ бор — отанг бор...*

**Дилбар АСКАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Бароридан келмаган савдо

Катта канал бўйида учрашишга келишиб олган Абдуллани Қаҳрамон кўп куттирмади. Қишнинг айни чилласида, совуқ шашти ҳали пасаймаган бир алфозда харидор ва сотувчи антиқа олди-сотди қилди. Гугурт қутисидаги майдаланган ўсимликни ўттиз минг сўмга олган Абдулла бозорга йўл олди. Юриш-туриши шубҳали кўринган йигитни Бўка бозори ҳудудида ички ишлар ходимлари тўхтатишди. Холислар иштирокида текшириб кўришганида унинг ёнидан гиёҳвандлик моддаси чиқди. Абдулла сотиб олган нашани ўз ихтиёри билан ички ишлар ходимларига тақдим этди. Қилган ишдан қаттиқ пушаймон бўлган йигит антиқа савдонинг тарихини батафсил сўзлаб берди.

Жиноят ишлари бўйича Бўка туман судида кўрилган жиноят иши тафсилотлари билан танишган киши ҳамон орамизда ноқобиллиги туфайли оиласига ҳам, ўзига ҳам, ҳатто жамият-

га ҳам нафи тегиш у ёқда турсин, ўз йўлини тополмаган ёшлар борлигидан афсусланиши табиий. Ёши ўттизга қараб кетаётган бўлса-да, Қаҳрамон Ҳожиёв (исмлар шартли ўзгартирилган) бирор

касбу хунарнинг бошини тутмади. Бир неча йиллар бурун отаси оламдан ўтганида гўдак эмасди. Болалар ёлғиз она қарамоғида қолганда ҳам онасининг оғирини енгил қилиш ўрнига, қийинчи-

ликлардан қочиб, ғамларни унутишнинг осон йўлини топди. Ўзи гиёҳванд бўлгани етмагандек, бу захри қотилни бошқаларга ҳам пуллаб бошлади. Бирор ишнинг бошини тутиб, укаларига бош бўлиш ўрнига хуморини босишга чора исташдан нарига ўтмади. Афсуски, захри қотилнинг бир мисқоли ҳам анча пул. Гиёҳвандлик моддасини ўзи учун сотиб олар экан, уни пуллаб фойда кўришга ҳам уринди. Бу ҳаракатлари жиноят эканлигини билганида суднинг қора курсисида боши эгилиб, пушаймон бўлиб ўтирмаган бўлармиди.

Нотаниш бир йигит телефон қилиб, ундан гиёҳвандлик моддаси сўраганида ўзи учун асраб қўйган қисмини сотишга ваъда берди. Сарик «Жигули»да келган йигитлар ундан гурут қутисига

жойланган нашани у айтган пулга сотиб олишди. Орадан бир неча кун ўтиб, ички ишлар бўлими ходимлари билан келган харидор йигит ундан сотиб олган қутидаги гиёҳвандлик моддасини далилий ашё сифатида кўрсатди. Қаҳрамоннинг гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний сотгани, ҳаракатлари жиноят экани холислар гувоҳлигида тасдиқланди. Судга оид наркологиқ экспертиза хулосасига кўра, судланувчи гиёҳвандлик касалига чалингани аниқланди. Гиёҳвандлик дардига мубтало бўлган йигитга суд ҳукмига кўра касалликка қарши умумий асосларда мажбурий тартибда даволаниш чоралари белгиланди. Унинг даволанишини ташкил этиш ва амалга ошириш Бўка

тумани ички ишлар бўлими ва туман марказий шифохонаси раҳбарияти зиммасига юклатилди.

Халқимизнинг бағрикенглиги, кеңиримлилиги туфайли мажбурий жиноятни содир этган Қаҳрамоннинг қилмишларидан пушаймонлиги эътиборга олиниб, унга шартли жазо тайинланди, яъни икки йиллик синов муддати белгиланди. Абдулланинг илк бора жиноят содир этганлиги, қилмишидан пушаймонлиги эътиборга олиниб, жазодан озод этилди.

**Ойбек ИСМОИЛОВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича Бўка тумани суди раиси.**  
**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири.**

# Бир куннинг минг таассуроти

Шу кунларда бутун халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик кутлуг санасини кўтаринки кайфият билан кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Жойларда шу муносабат билан кўлаб тадбирлар амалга ошириляпти. Тошкент вилоятида «Камолот» ЁИХ лойиҳалари доирасида ўтказилган тадбирлар шулар сирасидан.

Бекобод шаҳридаги «Ёшлар маркази»га тўпланган «Камолот» ЁИХнинг туман, шаҳар кенгашлари раислари, мутахассислари ҳамда Ҳаракат фаоллари «Биз ягона юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилган бир кунлик семинарни узоқ вақт эслаб юрадиган бўлишди.

Семинар доирасида иштирокчилар Бекобод шаҳар ҳокимлиги томонидан куриб фойдаланишга топширилган 350 ўринли замонавий типдаги «Ёшлар маркази» биноси, «Ўзметкомбинат» ОАЖга қарашли «Ёшлик» спорт мажмуаси, «Ўзметкомбинат» ОАЖ музейи, уюшмаган ёшлардан тузилган «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи фаолияти, инглиз тили тўғраги, «Нотиқ ёшлар» клуби, маҳалла ёшлари учун ташкил этилган «Камолот» таянч маркази фаолияти, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти фаолияти, «Камалак»чиларнинг муסיқий чиқишлари, Корейс миллий маданият маркази фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Бекобод шаҳрида ёшларга жуда катта эътибор берилмоқда, — дейди Ҳаракатнинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Азамат Камолов. — Бугунги вилоят семинарининг айнан Бекободда ўтказилиши ҳам шундан далолатдир. Марҳамат, кун давомида ёшларга яратиб

ри», «Нотиқ ёшлар» клуби, шахмат клуби, «Инглиз тилида сўзлашайлик», «Келажакка миллийлик билан», «Илҳом» ижодкор ёшлар клуби сингари қатор лойиҳалар бўйича сезиларли ишлар амалга оширилган.

— Гўзал ва обод, меҳнаткаш инсонлар яшайди-



бераётган шарт-шароитларни ўз кўзингиз билан кўринг ва ишонч ҳосил қилинг. Шаҳар ҳокими ташаббуси билан ёшларга доимий ғамхўрлик кўрсатилаётгани, замонавий объектларнинг куриб фойдаланишга топширилаётгани ибратлидир.

«Камолот» ЁИХ Бекобод шаҳри кенгаши раиси Адҳам Ниёзов сўзга чиқиб, семинар иштирокчиларини 2012-2013 ўқув йили давомида амалга оширилган лойиҳалар билан таништирди. Жумладан, йил давомида «Интеллектуал ринг», «Сайхун маликала-

ган Бекобод шаҳрида ўз йигитлик бурчимни адо этаётганимдан беҳад хурсандман. Бу мен каби ёшларга гуруҳ ва ифтихор, қолаверса, ғайрат ва шижоат бахш этади, — дейди оддий аскар Алишер Саиджонов.

«Камолот» ЁИХ фаолиятида, ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган Ҳаракат фаоллари ҳамда ҳамкор ташкилотлар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ёш рақосаларнинг қувноқ чиқишлари даврага ўзгача

файз бағишлади.

Семинар қатнашчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Жумладан, «Ёшлик» спорт мажмуаси ва у ерда яратилган қулай шароитлар иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Шунингдек, тумандаги 12-мактаб қошида ташкил этилган ёзги дам олиш оромгоҳи, «Илҳом» ижодкорлар клуби катта қизиқиш уйғотди.

Lavha



## Ноанъанавий дарс

Хитойлик физика ўқитувчиси Ван Япин дарсини ноанъанавий, лекин ажойиб тарзда ўтказди.

Ўқитувчи «Тяньгун-1» космик кемаси ёрдамида 340 метр баландликда, яъни фазода туриб амалий ва назарий дарс ўтди. Шунингдек, видеоалоқа ёрдамида маърузалар ҳам ўқиб турди. Видеоалоқани Хитой миллий университети ташкиллаштиргани учун шу университет аудиториялари орқали дарсни бутун мамлакатда 330 нафар талаба ўн беш кун давомида кузатиб борди. Телевизор орқали эса 60 миллион нафар ўқувчию талаба дарсларни доимий кўриб борган. Ўқитувчининг маърузаси, асосан, вазнсизлик ва Ньютон қонунларидан бўлсада, саволлар унга, асосан, кемадаги ҳаёт ҳақида саволлар берилди.

## Қўл билан эмас, кўз билан ишлайди

Ахборот технологиялари соҳасида деярли ҳар куни янги кашфиётлар қилинмоқда.

Яқинда Швециянинг «Тобii» компанияси қўлда ёки овозда эмас, балки кўз ёрдамида бошқариладиган ажойиб ноутбукларни тақдим этди. Янги ихтиро ёрдамида ҳужжат ва китобларни кўз орқали варақлаш, махсус дастурларда кўз ёрдамида ишлаш, ўйинларни нигоҳингиз билан ўйнашингиз мумкин. Компания янги қурилмани «ультрабук» дея номлаши ҳам мумкин. Тез кунларда «Тобii» компанияси АҚШ, Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида мазкур ультрабук прототипини намойиш этишни режалаштирган.

## Қошиқ ранги ҳам муҳим

Европа психологлари сут маҳсулотлари учун қандай қошиқлар қулайлигини аниқлаб чиқдилар.

Уларнинг фикрига кўра, қумуш қошиқлар сут маҳсулотларининг фойдасини деярли икки марта ошираркан. Бу тажрибада 35 нафар кўнгилли қатнашди. Тажриба шуни кўрсатдики, қошиқнинг нафақат қандай унсурдан тайёрлангани, балки унинг ранги ҳам катта аҳамият касб этади. Сут маҳсулотларига пластмасса қошиқчалардан кўра, сал оғирроқ бўлган қумуш қошиқ тавсия этилди. Оқ рангли қошиқ кўк ва қора рангли қошиқларга қараганда, сут маҳсулотларига иштаҳани очар экан.

## Янада қулай

Европалик ихтирочи дизайнер Эдвин Круз клавиатура бириктирилган эргономис, яъни ишлаш учун қулай ва хавфсиз стулча яратди ҳамда уни «орісі» дея номлади.

Стулнинг яна бир устунлиги унда ўтирган одамнинг қаддини назорат қилиб боришидир. Ихтиронинг икки ён тарафига одатий клавиатура тенг иккига бўлиниб жойлаштирилган. Ўтирган одамнинг қўли толиқмаслиги учун стул, асосан, бармоқларга мосланган ҳолда ўрнатилган. Шунингдек, кашфиёт мижоз хоҳишига қараб ҳолатини ўзгартириши ҳам мумкин. Мутахассислар ўтказган сўрвномада бу стулга нисбатан салбий фикр билдирилмади. Ихтиронинг яна бир қулайлиги — унда симлар деярли йўқ. Wi-Fi тизимида ишлаши унинг самарадорлигини янада оширади.

Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМатов тайёрлади

# Ҳаётимиз кўрки

Ma'naviyat

Инсон умрининг мазмуни, энг аввало, унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, қолаверса, ижтимоий ҳаётдаги мавқега боғлиқ. Инсон мавқеини, яъни инсонийлик мавқеини белгиловчи амаллардан бири — меҳр-оқибат тушунчаси замонлар ўтса-да, ҳамон яшаб келаётир. Инсоннинг қанчалик билимли, салоҳиятли эканлиги жамият раванқини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Шундай мезонлар борки, келгуси авлодлар тақдири кўп ҳолларда ана шу авлод эришган ютуқлар қаторида миллий қадриятларнинг бардавонлигига ҳам боғлиқ. Жамиятда обрў-эътибор қозонишда инсоннинг одоб-ахлоқ, муомала маданияти ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Журналист ва адиб Гавҳар Абдулвоси қизининг «Муомала — зийнат» номли рисоласи маънавий қадриятлар талқинига бағишланади. Унда ҳаётий воқеалар кичик ҳикматлар воситасида инсон кўнгил оламининг сир-синоатлари, жамоат орасидаги одоб-ахлоқ меъёрлари, яхши лутфу холислик, адолатпешалик, ҳалоллик, камтар-

лик асосига қуриладиган инсоний муносабатларнинг шахс камолотидаги ўрни хусусида фикр юритилади. Қадимдан ардоқлаб келинаётган миллий қадриятларимиз, ҳар бир инсоннинг эзгу амал қилиши, ширинсуханлик, сабр-қаноат, имон-эътиқод, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш каби фазилатларни ёшлар онгига син-

гдиришга қаратилган мазкур рисола нафақат ёшлар, балки педагоглар, маҳалла фаоллари учун ҳам қимматли қўлланмадир.

Рисолада сўз мулкининг султони — Алишер Навоий ижодига мурожаат қилиниб, гўзал хулқли қаҳрамонлар ҳаёти мисолида ибратли воқеалар келтирилган. Ёш авлод камолотида нафақат яхши амаллар ҳақида гапириш, балки унга амал қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигига эътибор қаратилган. Кўпинча қоида сифатида кундалик турмуш тарзимизга сингиб кетган бундай маънавий меросимизни сақлаш ва унга амал қилиш талқинига бағишланган ушбу рисола кишига маънавий озуқа беради.

Моҳигул БОБОЕВА,  
Самарқанд давлат чет тиллар  
институтини ўқитувчиси

Янги ўқув йилида республика-мизда 56607 нафар абитуриент талаба бўлиш бахтига муяссар бўлади. Уларнинг 19120 нафари таълимнинг давлат гранти ҳамда 37487 нафари тўлов-контракт шакли бўйича тахсил олади.

Жорий йилги умумий қабул квотасида яна 6300 та ўрин магистратура босқичига ажратилган. Шундан 1548 та ўрин давлат гранти, 4752 таси тўлов-контракт асосида.

Айни чоғда юртимиз олий таълим муассасаларида қабул жараёни давом этмоқда. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида қабул комиссияси иши қизғин паллага кирган. Ушбу университетда ўқини хоҳловчилар 22 та таълим йўналишидан бирини танлаши мумкин. Таълим муассасасининг бакалавр босқичига бу йил жами 1660 нафар абитуриентни ўқишга қабул қилиш кўзда тутилган.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ  
фотолавҳаси



## «Ёш куч» яна қўлингизда

Журналнинг ушбу сониди ҳам ўқувчига манзур бўладиган мақолалар эълон қилинган

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Уйлар билан бирга, қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар, спорт майдончалари, савдо мажмуалари ҳам барпо этилмоқдаки, булар аҳоли турмуш даражасининг янада ўсишига, бошқача айтганда, турмуш ободлигига хизмат қилмоқда. Журнал саҳифаларидан жой олган «Дунё ўрнатилган олмақда» сарлавҳали мақолада Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган «За-

монавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция тафсилотларига бағишланган. Унда хорижлик мутахассисларнинг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносабатлари билан танишасиз.

Дунё мўъжизаларга бой. Масалан, асал ва асалари. Эътибор берган киши унинг нақадар мўъжиза эканини англайди. Асал ва асаларичилик-

нинг сир-синаотлари ҳақидаги «Она асалари» мақоласи бу борадаги ҳайратингизни янада оширса, ажаб эмас.

Журнал саҳифаларида ёшлар ижодига ҳам кенг ўрин берилган. Бу гал Тошкент, Андижон, Хоразм, самарқандлик ёш қаламкашларнинг шеърларини ўқийсиз.

Баъзан ҳеч кимга айтмаган сўзларимизни мактуб орқали ифодалаш истаги пайдо бўлади. Қизиқ, оддийгина мактуб ҳам бизга холис сирдош, дўст бўла олар экан-да. «Қатор-толга мактублар» рукнида

Jurnalning yangi soni



эълон қилинган хатлар билан танишар экансиз, мактубнинг сирли қувватига яна бир марта ишонасиз.

«Ёш куч»да, шунингдек, ақлни чархлайдиган тестлар, қизиқарли маълумотлар ҳам борки, улар билан танишиб, асло зерикмайсиз, деб ўйлаймиз.

Майсара НАЗАРОВА

«Kamolot» loyihalari

Термиз шаҳридаги 1-академик лицейда «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан «Камолот» шахмат тахтаси» VI анъанавий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## Камта мусобақалар сари қадам

Унда мусобақанинг шахар (туман) босқичларида голиб бўлган 6 — 12, 13 — 16, 16 — 19 ёшли шахматчилар иштирок этди.

Мусобақа кизгин курашлар остида ўтди. Ёш шахматчилар донна суришда бир-бирларидан кам эмасликларини кўрсатиб, иқтидорларини намоён этишди. Ҳар галгидек, мусобақа якунида голиб жамоалар аниқланди. Унга кўра, деновлик шахматчилар яққол устунлик билан биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Қизилқум тумани жамоаси иккинчи, шўрчиликлар учинчи ўринни эгаллади.

— Мусобақада голиб бўлишдан кўра, иштирок этиш муҳим, — деди Ҳаракатнинг Сурхондарё вилояти кенгаши ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўлими мудирини Акбар Холмирозев. — Чунки мусобақа туфайли ёшлар ўзаро таъриба алмашиб, дўстлашади. Эркин фикрлаб, рақиб қаршида ҳаяжонланмасликни ўрганишади. Табиийки, кичик беллашувларда орттирилган маҳорат катта мусобақаларда асқотади.

Мазкур мусобақа голиблари шу йилнинг ноябрь ойида Термизда ўтказилайдиган «Камолот» шахмат тахтаси» VI анъанавий спорт мусобақасининг республика босқичида қатнашади.

Хайридин МУРОД,  
«Turkiston» мухбири

### YON DAFTARCHANGIZGA

Олис йўл отни синар,  
Оғир йўл мاردни синар.

Ўзбек халқ мақоли

40x2	Авто русуми				... май-донда синалади				Пишмаган, ғур		
	1		8	7	Қандли экин	Катта уй, иморат	Олимов (қўшиқчи)	Столбон уйин тури	Нома, мактуб	Киём, шинни	
	6	1	2	5							
	2	9	6	1							
	8			9				Двигатель			
	7	9									
	5	7	4	6	Юмуш, иш	Қатор	Тиг асорати	Волида	4		7
	6	8	1	5					8	6	4
	2	6		9	Шамсия (шевада)				6	9	8
										2	
										1	7
										8	4
										8	4
										4	3
										4	9
										3	5
										6	3
											9
											7
											3

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов